

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУҒАНИЕВА ДИЛСЎЗ ФАХРИДДИН ҚИЗИ

**ҲОМИЛА ЎСИШИ КЕЧИКИШINI ПРОГНОЗЛАШ
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Абдуғаниева Дилсўз Фахриддин қизи Ҳомила ўсиши кечикишини проғнозлаш ва профилактикасини такомиллаштириш	3
Абдуганиева Дилсуз Фахриддин кизи Совершенствование прогнозирования и профилактики задержки роста плода.....	23
Abduganieva Dilsuz Fakhriddin qizi Improvement of prediction and prevention of fetal growth restriction.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУҒАНИЕВА ДИЛСЎЗ ФАХРИДДИН ҚИЗИ

**ҲОМИЛА ЎСИШИ КЕЧИКИШINI ПРОГНОЗЛАШ
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 - Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Tib5062 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уринбаева Нилуфар Абдужаббаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пахомова Жанна Евгеньевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/30.12. 2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳар Олмазор тумани Фаробий 2-уй. Тел./факс: (+99871) 214-83-11, e-mail: info@tma.uz, tta@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.А. Акрамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Қ.Н.Хантов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳомила ўсишининг кечикиши (ХЎК) она ва ҳомила тиббиётининг долзарб ва комплекс муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунга қадар ушбу патологияни прогноз қилиш, ташхислаш ва олиб бориш тактикаси билан боғлиқ кўплаб ҳал қилинмаган ва мунозарали масалалар ечимини заруратини тақозо этмоқда.

Жаҳонда ҳомила ўсишининг кечикишини клиник ва иммунобиокимёвий хусусиятларини ўрганиш ҳамда даволаш чораларини такомиллаштиришга йуналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ўтказилган тадқиқотлар натижасида маълумотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий-иқтисодий даражага боғлиқ ҳолда ХЎК частотаси сезиларли даражада ўзгарувчан: Европа мамлакатларида бу кўрсаткич 6,2% ни, АҚШда 10-15% ни, Марказий Осиёда эса 31,1% ни ташкил этади. Россия Федерациясида ХЎК частотаси ой-куни етиб туғилганлар орасида 3 дан 24% гача ва ой-кунига етмай туғилган чақалоқлар орасида 18 дан 40 фоизгача бўлган кўрсаткични ташкил этади. ХЎК оқибатида перинатал ўлим ва касалланишнинг юқорилиги ҳомиланинг она қорнида нормал ривожланишини таъминлашга қаратилган даволаш-профилактика чора-тадбирларини ўз вақтида прогнозлаш, ташхислаш ва амалга ошириш муҳимлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини фаол модернизация қилиш, жумладан, перинатал марказларни ташкил этиш, тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, оналар ва гўдаклар ўлимини камайтириш бўйича дастурларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан 2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга қаратилган устувор йўналишларидан бири “...бирламчи тиббий-санитария ёрдами соҳасида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш...”¹ каби чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, бошқа нарсалар қатори, ҳомила ривожланишининг кечикиш хавфини эрта ташхислаш ва даволаш, болалиқдан ногиронликни камайтириш, она ва боланинг ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида"ги қарорида 2019-2025 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепциясида белгиланган вазифалар доирасида бажарилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25-апрель 2022 йилдаги «2022 — 2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-216-сон қарори <https://lex.uz/docs/5980203>

6 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ- 156-сон фармони, 2021 йил 6 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ- 6221-сон, 2022 йил 29 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарори, 2023 йил 8 сентябрдаги «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-296-сон, 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишларига мос келади, жумладан акушерлик ва перинатология йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра, ҳомила ўсишининг кечикиши синдроми - бу ҳомиланинг тегишли ҳомиладорлик муддати учун кутилган тана вазнига (вазни 10 процентиладан кам) етмайдиган патологик ҳолат. Ҳомиладорлик муддатига қараб, эрта (32 ҳафтагача) ва кечки (32 ҳафтадан кейин) ХЎК фенотиплари фарқланади (WHO, 2018). Ушбу шакллар учраш частотаси, скрининг маълумотлари, плацента гистопатологияси, доплерометрия кўрсаткичлари, онанинг соматик патологияси ва ҳомиладорлик натижалари бўйича сезиларли даражада фарқ қилади. Green-top Guideline (2024) тавсияларида ХЎК фенотипларини фарқлаш ва ҳомиладорликни олиб бориш тактикасини мақбуллаштиришга хизмат қиладиган янги биомаркерларни излашни давом эттириш зарурлиги таъкидланган.

Узоқ хориж маълумотлари шуни курсатадики, ХЎК частотаси сезиларли даражада ўзгарувчан: Европа мамлакатларида бу кўрсаткич 6,2% ни, АҚШда 10-15% ни, Марказий Осиёда эса 31,1% ни ташкил этади. Россия Федерациясида ХЎК частотаси ой-куни етиб туғилганлар орасида 3 дан 24% гача ва ой-кунига етмай туғилган чақалоқлар орасида 18 дан 40 фоизгача бўлган кўрсаткични ташкил этади.

МДХ давлатлари олимлари томонидан ушбу соҳада тадқиқот олиб борган ХЎК патогенезида асосий ўринни йўлдош жараёнларининг бузилиши, жумладан ангиогенез етишмовчилиги ва бачадон-йўлдош комплекси томирларининг ноадекват трансформацияси эгаллайди (Макаров И.О. ва ҳаммуал., 2016; Фаткуллин И.Ф. ва ҳаммуал., 2020; Ульянина Е.В.,2022).

Бу жараёнлар ангиоген ўсиш омиллари билан бошқарилади. Перинатал ўлимни камайтиришнинг муҳим йўналиши ХЎК хавфини табақалаштириш алгоритмларини яратиш, шунингдек, ҳомиладорликнинг асоратли кечишининг самарали биомаркерлари ва лаборатория предикторларини излашдан иборат бўлиб қолмоқда (Д.И. Якубова ва ҳаммуал., 2022). Бугунги кунга келиб анамнестик, биокимёвий, ультратовуш ва доплерометрик маълумотларга асосланган диагностик моделларнинг сони анча ошганлигига қарамай, ХЎК ҳолатларининг тахминан 40 фоизи идиопатик, яъни сабаби аниқланмаганлигича қолмоқда (Кравченко Е.Н., Куклина Л.В.,2022).

Ўзбекистон олимлари томонидан ҳомила ўсишининг кечикиши синдромини ўрганишга қаратилган бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилган. Хусусан, Д.Н. Шукурхужаеванинг (2024) маълумотларига кўра, Самарқандда ҳомила ўсишининг кечикиши синдроми частотаси 3,96% ни ташкил этди. Бухоро тиббиёт институтида ҳомила ўсишининг кечикиши синдроми шаклланишининг ижтимоий-биологик омиллари ўрганилган (Ихтиярова Г.А. ва ҳаммуал., 2020); молекуляр-генетик тадқиқотлар олиб борилган (Аслонова М.Ж., ва ҳаммуал.,2021; Бобоев Қ.Т. ва ҳаммуал.,2017; Ихтиярова Г.А. ва ҳаммуал.,2020; Мавлянова Н.Н. ва ҳаммуал., 2022; Ikhtiyarova G.A. et al., 2021); ТПТИда ХЎК кечки фенотипининг доплерометрик параметрлари ўрганилган (Расул-Заде Ю.Г., Климашкин А.А.,2022); кам вазнли чақалоқларда иммунологик тадқиқотлар ўтказилган (Акрамова Х.А., Ахмедова Д.И.,2020).

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳомиладорларда клиник-иммунологик ва фенотипик жиҳатларни комплекс ўрганиш, айниқса, ҳомила ўсишининг кечикиши синдромини эрта ташхислаш мавзусининг долзарблигини асослайди. Замонавий илмий адабиётлар таҳлили ХЎКда она-йўлдош-ҳомила тизимининг ҳолати, айниқса ҳомиладорликнинг асоратли кечиши: гипертензив бузилишлар, ҳомила тушиш хавфи, онанинг соматик касалликлари, вирусли инфекцияларни (ЎРВИ, грипп, қизамиқ, COVID-19) бошдан кечирган ҳолатларида ХЎК ҳақида маълумотлар етарли эмаслигидан далолат беради. Бундай шароитда ҳомила ўсишининг кечикиши синдроми ривожланишининг хавф омилларини ўрганиш, шунингдек, самарали профилактик ёндашувларни ишлаб чиқиш замонавий перинатологиянинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетида “Репродуктив саломатликнинг тиббий-ижтимоий аспекти” илмий-тадқиқот ишининг мавзу режасига мувофиқ яқунланди ва Илмий кенгаш томонидан тасдиқланган: 2024 йил 30 октябр 3-сонли баённомаси мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомила ўсишининг кечикиши синдромининг клиник ва иммунобиокимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш асосида уни прогнозлаш ва олдини олиш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ХўКС юзага келишининг асосий предгравидар ва антенатал хавф омилларини аниқлаш, шунингдек, ХўКС эрта ва кечки намоён бўлишида ҳамда турли клиник фенотипларда салбий перинатал оқибатлар хавфини баҳолаш;

Ўзбек популяциясида патологиянинг ривожланиш муддатлари ва фенотипини ҳисобга олган ҳолда ХўКС бўлган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечишининг ўзига хос жиҳатлари, клиник-анамнестик хусусиятларини баҳолаш;

ангиоген ўсиш омиллари: йўлдош ўсиш омили (PIGF), қон томир-эндотелиал ўсиш омили (VEGF A), инсулинсимон ўсиш омили I типи (IGF-I)нинг ХўК эрта ва кечки фенотипларини прогноз қилишдаги диагностик аҳамиятини аниқлаш;

олинган маълумотлар асосида ҳомиладорликка тайёргарлик ва ҳомиладорлик даврида ХўКС амалга ошиши хавфи юқори бўлган аёлларни олиб боришнинг патогенетик жиҳатдан асосланган дифференциал алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2024 йиллар давомида Республика перинатал марказида даволанган 170 нафар аёлнинг туғруқ тарихи ретроспектив таҳлили ва 70 нафар ҳомиладор аёлнинг проспектив клиник кузатуви олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик қон ва қон зардоби олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник-анамнестик таҳлил, умумклиник, иммунологик усуллар (шу жумладан ангиоген ўсиш омилларини миқдорий аниқлаш), далилларга асосланган тиббиёт усуллари билан фойдаланган ҳолда олинган маълумотларни статистик қайта ишлашдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ХўКС (ҳомила ўсишининг кечикиши синдроми) бўлган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечишида оғир преэклампсия, бачадон-йўлдош қон айланишининг II–III даражали бузилиши, абдоминал туғруқ ҳамда перинатал ўлим кўрсаткичларининг юқори даражаси учраши исботланган;

20-24 ёшдаги ўзбек популяцияси аёлларида эрта ХўКС ривожланишини башорат қилишда дифференциал ёндашув, олдинги абортлар, сурункали артериал гипертензия ва сийдик йўлларида яллиғланиш касалликлари билан, кеч ХўКС ривожланиши 35 ва ундан катта ёш, 3 ёки ундан ортиқ туғруқлар, олдинги муддатдан олдин туғруқлар, оғир преэклампсия ва перинатал йуқотишлар билан боғлиқлиги илмий исботланган;

Ҳомиладорларда ангиоген ўсиш омиллари даражасининг пасайиши ХўКС ривожланиши билан боғлиқлиги ва патологиянинг эрта шаклини

баҳолашда VEGF A, IGF-I, ҳамда PlGF каби биомаркерлар эрта ХЎКС ривожланишида муҳим прогностик аҳамиятга эга эканлиги ҳамда оғир преэклампсия ва ХЎКС каби қўшма асоратлар ривожланишининг белгиси ҳисобланиши исботланган;

Клиник-фенотипик ва иммунологик тадқиқотлар асосида ХЎКС патологиясининг олдини олиш асослари, ХЎКС ривожланиши бўйича юқори хавф гуруҳидаги аёлларни ҳомиладорликка тайёрлашни, шунингдек, VEGF A ва IGF-I ўсиш омилларининг миқдорий даражаларини башорат қилиш орқали ХЎКСни клиник белгилар пайдо бўлмасидан олдин эрта ташхислаш ва ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларидан бошлаб профилактик гестоген терапиясидан фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқиш самарадорлиги илмий исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, илк бор ангиоген ўсиш омиллари - VEGF A ва IGF-I ни аниқлашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган, шунингдек, уларнинг 1,1-1,2 нисбати ХЎКС прогностик маркерлари сифатида аниқланган, ҳомиладорликнинг ҳар қандай даврида ушбу биомаркерларнинг паст даражаси ХЎКС ривожланишининг эрта кўрсаткичлари эканлиги аниқланган.

Гравидар олди даврда ХЎКС ривожланиш хавфи юқори бўлган аёлларни олиб бориш учун ишлаб чиқилган шахсийлаштирилган алгоритмни, шунингдек, ХЎКСни башорат қилиш ва ҳомиладорликнинг эрта муддатларидан бошлаб йўлдош билан боғлиқ асоратларнинг иммунопрофилактикасини ўз ичига олган ҳомиладор аёлларни олиб бориш алгоритмининг профилактика мақсадида жорий этиш зарурати асосланди. Ушбу алгоритмларнинг натижаларини миллий клиник протокол яратишда асос қилиб олиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ангиоген ўсиш омиллари экспрессиясининг аниқланган хусусиятлари ХЎКСни олдини олиш ва даволашда янги патогенетик асосланган ёндашувларга асос бўлиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ангиоген ўсиш омилларидан (PlGF, VEGF A, IGF-I) йўлдошда қон айланиши, ҳомиланинг ўсиши ва озикланиши ҳолатининг объектив биомаркерлари сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Ушбу омилларнинг етишмовчилиги йўлдош

етишмовчилиги ва ХЎК хавфининг дастлабки белгиси сифатида қаралиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. ХЎКС бўлган аёлларда ҳомиладорлик кечишининг клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганиш ва ангиоген ўсиш омилларини аниқлаш асосида диагностик ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: ҳомила ўсишининг кечикиши синдроми бўлган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечишида оғир преэклампсия, бақадон-йўлдош қон айланишининг II–III даражали бузилиши, абдоминал туғруқ ҳамда перинатал ўлим кўрсаткичларининг юқори даражаси учраши кузатилиб, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Хоразм вилояти филиали бўйича 2025 йил 15 майдаги 53-1-сон буйруғи ҳамда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2025 йил 3 июндаги 97-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22-сон хулосаси) **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** ҳомиладорлик даврининг физиологик кечишини, ҳомиланинг она қорнида нормал ривожланишини таъминлаш, ҳомила йўқотишнинг олдини олиш, ва перинатал ўлимни камайтириш мақсадида ХЎК синдроми бўлган ҳомиладор аёлларни антенатал парваришлаш сифатини ошириш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши ўсишнинг ангиоген омилларини аниқлаш, она ва ҳомила учун асоратларни прогноз қилиш ва олдини олиш ҳамда даволаш тактикасини оптималлаштириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш ва йилига ўртача 67 500 000 сўмни ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** анамнезда ХЎКС амалга ошишининг юқори хавф омилларини ва қонда тасдиқловчи маркерларни аниқлаш ҳомила ўсишининг кечикиши ва перинатал ўлим хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёллар контингентини аниқлаш ва клиник кузатувга янги ёндашувларни таклиф қилиш имконини берди, бу эса 1 нафар бемор учун 750 000 сўмни тежаш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: 20-24 ёшдаги ўзбек популяцияси аёлларида эрта ХЎКС ривожланишини башорат қилишда дифференциал ёндашув, олдинги абортлар, сурункали артериал гипертензия ва сийдик йўллари яллиғланиш касалликлари билан, кеч ХЎКС ривожланиши 35 ва ундан катта ёш, 3 ёки ундан ортиқ туғруқлар, олдинги муддатдан олдин туғруқлар, оғир преэклампсия ва перинатал йўқотишлар билан боғлиқлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Хоразм вилояти филиали бўйича 2025 йил 15 майдаги 53-1-сон буйруғи ҳамда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2025 йил 3 июндаги 97-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22-сон

хулосаси) **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** ҳомиладорлик муддатини ҳисобга олган ҳолда ХЎКС аниқлашда дифференциал ёндашув патологиянинг турли хил вариантлари учун хос бўлган юқори хавф омилларини аниқлаш ва ХЎКС хавфи гуруҳидаги аёлларни ҳомиладорликка тайёрлаш ва уларни ҳомиладорликнинг эрта муддатларида олиб бориш тамойилларини ишлаб чиқиш зарурлигини асослаш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** олинган натижаларнинг амалий қўлланилиши ҳомиладорлик асоратларининг ангиоген генезини аниқлаш имконини берган, профилактика чора-тадбирларини ўтказиш ётоқ кунлари сонини камайтириш ҳисобига 90 нафар бемор учун бюджет маблағларини 67 500 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ХЎКС эрта фенотипи ва перинатал йўқотишлар ўртасидаги аниқланган боғлиқлик ушбу гуруҳ ҳомиладорларини юқори хавф зонасига ажратиш ва кучайтирилган кузатув зарурлигини асослайди;

учинчи илмий янгилик: Ҳомиладорларда ангиоген ўсиш омиллари даражасининг пасайиши ХЎКС ривожланиши билан боғлиқлиги ва патологиянинг эрта шаклини баҳолашда VEGF A, IGF-I, ҳамда PlGF каби биомаркерлар эрта ХЎКС ривожланишида муҳим прогностик аҳамиятга эга эканлиги ҳамда оғир презеклампсия ва ХЎКС каби қўшма асоратлар ривожланишининг белгиси ҳисобланиши Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Хоразм вилояти филиали буйича 2025 йил 15 майдаги 53-1-сон буйруғи ҳамда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2025 йил 3 июндаги 97-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 17 июлдаги 22-сон хулосаси) **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** ангиоген ўсиш омиллари динамикасининг аниқланган ўзига хос хусусиятлари она-йўлдош-ҳомила тизимида қон томирлари билан боғлиқ бузилишларнинг устунлигини ҳомила ўсишининг патологик кечикиши генезида қайд этиш имконини берди, бу клиник жиҳатдан ҳомила учун ҳаётий зарур таъминотнинг ёмонлашиши, ривожланишининг кечикиши, ҳатто унинг йўқотилиши кўринишида намоён бўлади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** олинган натижаларнинг амалиётда қўлланилиши ҳомиладорликнинг ушбу асоратининг ангиоген генезини аниқлаш имконини берган, комплекс фармакотерапияни ўз вақтида ўтказиш ётоқ кунлари сонини камайтириш ҳисобига 90 нафар бемор учун бюджет маблағларини 67 020 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** олинган маълумотлар ХЎКС хавфи бўлган ҳомиладорларда лаборатор назоратга олинадиган иммунологик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва пренатал иммун мониторинг йўналишларини аниқлаштириш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: Клиник-фенотипик ва иммунологик тадқиқотлар асосида ХЎКС патологиясининг олдини олиш асослари, ХЎКС ривожланиши бўйича юқори хавф гуруҳидаги аёлларни ҳомиладорликка тайёрлашни, шунингдек, VEGF A ва IGF-I ўсиш омилларининг миқдорий даражаларини башорат қилиш орқали ХЎКСни клиник белгилар пайдо бўлмасидан олдин эрта ташхислаш ва ҳомиладорликнинг дастлабки

босқичларидан бошлаб профилактик гестоген терапиясидан фойдаланиш алгоритми ишлаб чиқиш самарадорлиги Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Хоразм вилояти филиали буйича 2025 йил 15 майдаги 53-1-сон буйруғи ҳамда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2025 йил 3 июндаги 97-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 июлдаги 22-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** ҳомиладорлик даврининг физиологик кечишини таъминлашга қаратилган прегравидар тайёргарлик сифатини ошириш, ҳомила йўқотилишининг олдини олиш, унинг она қорнида нормал ривожланишини таъминлаш ва перинатал ўлимни камайтиришга эришилган; **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** ҳомиладорлик патологияси ривожланиш патогенезига комплекс фармакотерапия билан мақсадли таъсир кўрсатиш даволаш муддатларини қисқартиришга олиб келади ва бюджет маблағларини бир нафар бемор ҳисобига 750 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** аниқланган VEGF-A ва IGF-I прогностик маркерлари ҳомиладорликнинг қўшма асоратлари ва ХЎКС хавфини эрта табақалаштиришга асос бўлганлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси буйича 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 6 та мақола, жумладан, 3 та республика, 3 та ҳорижий журналларда, 1 та услубий тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 91 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши буйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг "Акушерликда ҳомила ўсишининг кечикиши синдроми муаммоси" деб номланган биринчи бобида ҳомила ўсишининг кечикиши терминологияси ва таърифи, этиологияси ва патогенезига бағишланган назарий жиҳатлар таҳлил қилинган ва тадқиқотлар тизимлаштирилган, ҳомила ўсишининг кечикишини ташхислаш усуллари келтирилган, бундан ташқари, ўсиш омиллари ва ангиогенез тўғрисидаги замонавий маълумотлар, ҳомила ўсишининг кечикишини даволаш масалалари

баён этилган, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки бироз аниқлаштиришни талаб қиладиган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг "Клиник материалнинг умумий тавсифи. Тадқиқот усуллари" деб номланган иккинчи бобда клиник материал бўйича маълумотлар, тадқиқот босқичлари тавсифи билан тадқиқот дизайни ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Республика перинатал марказига (Тошкент шаҳри) турли хил акушерлик шикоятлари билан мурожаат қилган ҳомиладор аёлларни ўрганишнинг клиник, иммунологик ва статистик усуллари тақдим этилган. Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йилдаги 151-сонли буйруғига мувофиқ акушерлик ва неонатал асоратлар хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёллар тўпланадиган 3-даражали муассасадир., Биринчи босқич 2020-2023 йиллар давомида 170 нафар ҳомиладор аёл тиббий ҳужжатларининг ретроспектив таҳлил қилишни ўз ичига олди. Улардан асосий гуруҳни ХЎКС билан касалланган 120 нафар аёл ташкил этди. Назорат гуруҳини ХЎКС ва бачадон-ҳомила-йўлдош қон айланиши етишмаслиги (БХЙҚАЕ) бўлмаган 50 нафар аёл ташкил этди.

Иккинчи босқичда 70 нафар бемор проспектив текширув ва кузатувдан ўтказилди, улардан асосий гуруҳни ХЎКС бўлган 50 нафар ҳомиладор аёл, назорат гуруҳини эса 20 нафар нисбатан соғлом беморлар ташкил этди. Тадқиқот дизайни 1-расмда келтирилган.

Биз унификацияланган сўровномани ишлаб чиқдик, унга кўра барча беморлар ягона схема бўйича текширилди, уларнинг ҳаёт ва касаллик анамнези умумий қабул қилинган клиник-лаборатор ва махсус тадқиқот усуллари асосида ўрганилди. Йўлдошнинг жойлашуви, ҳомиланинг биометрик кўрсаткичлари ва бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши доплерометрияси маълумотлари "VOLUSON P8" ультратовуш текшируви аппарати ёрдамида баҳоланди.





1-расм. Тадқиқот дизайни

Иммунологик кўрсаткичларни ўрганиш ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институтида ўтказилди (директор, ЎзР ФА академиги Т.У.Арипова). Қон зардобидаги PLGF, VEGF А ва IGF-1 даражаси "BioXimMax" (РФ) компаниясининг тижорат тўпламларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарувчи фирма тавсияларига аниқ мувофиқ иммунофермент

таҳлил (ИФТ) усули билан аниқланди. Маълумотларга статистик ишлов бериш вариацион статистика усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди: ўртача қиймат ва стандарт хатони ҳисоблаш ($M \pm m$), Студентнинг t – мезонини ҳисоблаб чиқариш амалга оширилди, фарқларнинг аҳамияти $p < 0,05$ деб қабул қилинди.

Диссертациянинг "Ҳомила ўсишининг кечикиш синдроми ривожланишининг хавф омиллари" деб номланган учинчи бобда анамнестик маълумотларнинг ретроспектив таҳлили келтирилган, ХЎКС ривожланишининг ижтимоий-биологик, прегравидар ва пренатал хавф омиллари аниқланган. Ёш таркибини таҳлил қилиш репродуктив ёшдаги 20-30 ёшдаги аёллар устунлигини кўрсатди - назорат гуруҳида 72,0% ва асосий гуруҳида 62,9% (1-расм).



1-расм. Ҳомиладор аёлларни ёш таркиби

2-расм. Туғруқ паритети

Бачадон- ҳомила-йўлдош қон айланиши етишмаслиги бўлган ҳомиладор аёлларнинг иккинчи гуруҳида 35 ёшдан ошган аёллар улуши $24,0 \pm 6,0\%$ ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидаги ($6,0 \pm 3,4\%$, $p < 0,05$) ва асосий гуруҳидаги ($12,9 \pm 4,0\%$, $p > 0,05$) худди шундай кўрсаткичдан сезиларли даражада ошди. Туғруқ паритети бўйича (2-расм) ишончли фарқлар аниқланмади: биринчи марта туғувчилар 42,0-51,4%, такроран туғувчилар - 48,6-58,0% ни ташкил этди ($p > 0,05$). ≥ 4 туғруқ частотаси иккинчи гуруҳида ($22,0 \pm 5,9\%$) назорат ($6,0 \pm 3,4\%$, $p < 0,05$) ва асосий гуруҳида ($14,3 \pm 4,1\%$, $p > 0,05$) нисбатан юқори бўлган.

ХЎКС эрта намоён бўлиши (32 ҳафтагача) 57,1% ҳолатда, кечкиси - 42,9% ҳолатда ташхисланган. Ҳомиладорлик муддатлари бўйича гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$). Соматик патологиянинг таҳлиliga кўра, ХЎКС ривожланишининг предгравидар хавф омилларига қуйидагилар киритилган: СЙИ - $34,3 \pm 5,6\%$ (RR 2,42; OR 3,18), САГ - $58,6 \pm 5,9\%$ (RR 29,49; OR 6,95), ТТА - $52,9 \pm 6,0\%$ (RR 1,89; OR 2,9) ва семизлик - $15,7 \pm 4,4\%$ (RR 4,0; OR 4,5), ($p < 0,05$) (3-расм).




3-расм. Текширилганларда соматик патологияси

Бир қатор муаллифларнинг маълумотларига кўра, ПЭдан ташқари, эрта неонатал даврнинг асоратли кечишининг антенатал хавф омилларига ортиқча тана вазни ($>26 \text{ кг/м}^2$) ва шикастланган эндометрий (анамнезда – бачадон бўшлиғини такрорий кириш) ҳам киради. [Мамедов Н.Н., 2018; Стрижаков А.Н. ва ҳаммуал. 2014]. Д.А. Мантрова (2020) ҳам муҳим хавф омиллари қаторига сийдик ажратиш ва нафас олиш тизимларининг сурункали яллиғланиш касалликларини киритади.

З.И. Исаева ва С.-М.А. Омаров (2011) ишларида кўрсатилганидек, темир танқислиги анемияси (ТТА) ХЎК ривожланишининг кўп учрайдиган сабабларидан бири ҳисобланади. Аниқланишича, камқонлик ҳомиладорлик ва туғруқ кечишини оғирлаштиради, 40-50% ҳолларда ПЭ билан ассоциацияланади. У ҳомиланинг она қорнидаги ҳолатига ва эрта неонатал даврга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади.

Акушерлик анамнези маълумотларига кўра (4-расм), биз такрорий ҳомиладор аёлларда ХЎКС ривожланишининг хавф омилларига қуйидагиларни киритдик: турли генезли абортлар - 68,2% (RR 1,94; OR 3,9), муддатидан олдинги туғруқлар - 47,7% (RR 2,29; OR 3,53), эндо- ва миометрийдаги жарроҳлик аралашувлари, шу жумладан кесарча кесиш - 40,9% (RR 1,95; OR 2,68). Ушбу аралашувлар сурункали эндометрит ривожланишига, имплантация, йўлдош ҳосил бўлиши ва жойлашуви жараёнларининг бузилишига олиб келди.



4-расм. Текширилган ҳомиладор аёлларнинг акушерлик анамнези маълумотлари

Маълумки, ҳомила ўсишининг кечикиши фетоплацентар комплексда микроциркуляция ва метаболизмнинг бузилиши туфайли юзага келадиган сурункали йўлдош етишмаслигининг клиник кўриниши бўлиб, бу ўз навбатида она-йўлдош-ҳомила тизимида ўзаро патологик таъсирларнинг нотўғри доирасини шакллантиради (Siragher Э., 2021). Йўлдош етишмаслиги клиник жиҳатдан ХЎК ва/ёки ҳомила гипоксияси кўринишида намоён бўлади. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, ХЎК эрта шакли барча ҳолатларнинг 20-30% ни ташкил қилади ва 50% ҳолларда эрта ПЕ билан бирга келади (Crovetto F., et al., 2014). M. Veglia ва ҳаммуал. (2018) маълумотларига кўра, 70% ҳолатларда эрта ХЎК онадаги гипертензия билан боғлиқ. Т.-Н. Hung ва ҳаммуаллифлар (2018) тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ПЕ эрта бошланган аёлларнинг 50,6 фоизида ва касаллик кеч бошланган аёлларнинг 25,5 фоизида ХЎКС ташхиси қўйилган. Д.И. Якубова (2022, 2023) эрта ХЎК ҳомиладорликнинг гипертензив бузилишлари частотасининг 46,2% гача ошиши билан бирга келади; бизнинг маълумотларимизга кўра - 85,0% гача. Ушбу ҳолатлар патогенезининг асосини трофобласт хужайраларининг бачадон спираль артерияларига ноадекват инвазияси ва онанинг эндотелиал дисфункцияси ташкил қилади (Kwiatkowski S. et al., 2017; Pankiewicz K. et al., 2021).

Бизнинг маълумотларимизга кўра (1-жадвал), ХЎКС пренатал хавф омиллари қуйидагилардир: гипертензив бузилишлар - $81,4 \pm 4,7\%$ (RR 9,6; OR 50,89), ($p < 0,001$), йўлдош етишмаслигининг эрта ривожланиши - 85,7%, ҳомиладор аёлларнинг кучли қусиши $42,9 \pm 5,9\%$ (RR 2,15; OR 3,00), ($p < 0,05$), ҳомиладорлик даврида ўРИ - $44,3 \pm 5,9\%$ (RR 2,75; OR 4,17), ($p < 0,05$).

Ушбу маълумотлар бошқа муаллифларнинг натижалари билан тасдиқланган бўлиб, уларга кўра ПЕ ХЎК ривожланиши билан боғлиқ асоратлар орасида етакчи ўринни эгаллайди (Мурашко А.В., 2012). Бизнинг натижаларимизга кўра, 90% ҳолларда ХЎКС бевосита сабаби II–III даражали бачадон-ҳомила-йўлдош қон айланишининг бузилиши бўлган. САГ (сурункали артериал гипертензия) оғир ПЕ билан бирга келиши энг кўп кузатилди - 48,6%.

1-жадвал

Ҳомила ривожланишининг кечикиши синдроми пренатал омиллари, (абс., $M \pm m\%$)

Патология	Назорат гуруҳи		БҲЙҚАЕ гуруҳи		ХЎКС гуруҳи	
	n=50	%	n=50	%	n=70	%
Ҳомиладорлар қусиши	10	20,0±5,6	16	32,0±6,6	30	42,9±5,9*
ЎРИ, бронхопневмония	8	16,0±5,2	8	16,0±5,2	31	44,3±5,9*^
Гипертензив бузилишлар:	4	8,0±3,8	33	66,0±6,7*	57	81,4±4,7*
ГГ	1	2,0±1,9	6	12,0±4,6*	11	15,7±4,4*
Оғир прееклампсия	2	4,0±2,8	10	20,0±5,6*	12	17,1±4,5*
САГ + оғир прееклампсия	1	2,0±1,9	17	34,0±6,7*	34	48,6±6,0*
НЖЙМАК	4	8,0±3,8	5	10,0±4,2	8	11,4±3,7
II–III даражали БҲЙҚАЕ	0	0	50	100,0	60	85,7±4,1


Изоҳ: *- ($p < 0,05$), кўрсаткичнинг назорат гуруҳининг ўхшаш кўрсаткичига нисбатан фарқи ишончли.

ХЎКС шаклланишининг ҳомиладорлик муддатини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашув бизга ХЎКС эрта шакли (32 ҳафтагача) ривожланишининг юқори хавф омиллари қуйидагилар эканлигини аниқлашга имкон берди: ёшлик (20-24 ёш), ўтказилган абортлар, САГ ва СЙИ. Бу ҳолатлар эрта ПЕ ва йўлдош етишмаслиги ривожланишига олиб келади. ХЎКС кечки шакли учун қуйидагилар хос: ≥ 35 ёш, учинчи ва ундан кейинги туғруқлар, нохуш акушерлик анамнези (ҳомиладорликни йўқотиш), оғир ПЕ.

ХЎКСда жарроҳлик йўли билан туғдириш частотаси сезиларли даражада юқори бўлди: кесарча кесиш $78,6 \pm 4,9\%$ беморларда амалга оширилди. Жарроҳлик йўли билан туғдиришга асосий кўрсатмалар: прогрессив оғир ПЕ (43,6%), ҳомила азобланишига шубҳа (34,5%), НЖЙМАК (14,6%), олдинги КК дан кейин бачадонда чандиқ мавжудлиги (21,4%) ва ўта оғирлашган акушерлик-гинекологик анамнез (10,9%) бўлган.

Жами 78 нафар чақалоқ туғилди: 22-25 ҳафталик муддатда - 8 нафар; 26-31 ҳафта – 37 нафар; 32 ҳафта ва ундан кўп – 33 нафар. Янги туғилган чақалоқларнинг ўртача тана вазни мос равишда 465,1 г, 866,1 г ва 1968,6 г ни ташкил этди. Перинатал ўлим 294,9‰ ни ташкил этди, бу асосан 22-25 ҳафталик (1000,0‰) ва 26-31 ҳафталик (378,4‰) эрта неонатал ўлим билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида қон зардобидаги ангиоген маркерлар (PIGF, VEGF-A, IGF1) ИФА (АЖ "Вектор-Бест" тест тизими, РФ) усулида таҳлил қилинди. 70 нафар ҳомиладор аёл текширилди: 20 нафарида ХЎКСнинг эрта шакли (22-31 ҳафта), 30 нафарида кеч шакли (32-38 ҳафта) ва 20 нафарида ҳомиладорликнинг физиологик кечиши (назорат) қайд этилди. Қиёсий жиҳатдан ҳомиладорлар қонида PIGF миқдорини тадқиқ қилиш натижалари ХЎКС ривожланишининг ҳомиладорлик муддатини ҳисобга олган ҳолда 5- ва 6-расмларда келтирилган.



5-расм. ХЎКСда PIGF даражалари

^ - $p < 0,05$, фарқи кечки ХЎКС нисбатан ишончли



6-расм. ХЎКСда VEGF A даражаси

PIGF даражасининг пасайиши ХЎКС ривожланиши билан боғлиқлиги кўрсатилган: эрта вариантда - назоратга нисбатан 33,9% ($p < 0,01$), кечки

вариантда - 19,8% ($p < 0,05$) га. Адабиёт маълумотларига кўра, PlGF EVT хужайралари пролиферациясини рағбатлантиради ва ангиогенез индукциясида VEGF билан бирга таъсир қилади (Giorgione V., et al., 2024).


Х.А.Акрамова ва Д.И.Ахмедоваларнинг (2020) натижаларига кўра, ХЎКСда PlGF даражаси $84,3 \pm 13,4$ пг/мл ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса $275,0 \pm 126,5$ пг/мл ($p < 0,01$) ни ташкил этди, бу трофобласт инвазиясининг иккинчи тўлқинининг бузилишини акс эттиради.

VEGF-A даражаси эрта ХЎКСда 2,5 баравар ($p < 0,01$), кечкисиди - 1,8 баравар ($p < 0,05$) камайди. VEGF-A неоваскуляризация ва қон томирларининг ўтказувчанлигини таъминлашда иштирок этадиган асосий ангиоген оқсилдир. Н.Р.Ахмедаев (2019) маълумотларига кўра, VEGF $< 95,5$ пг/мл ХЎКС ва гестацион вазнининг пастлиги ўртасида дифференциал ташхис ўтказиш имконини беради. Бироқ, Е.В. Ульянина (2022) VEGF $\geq 95,5$ пг/мл ХЎК хавфини, ≥ 197 пг/мл эса ҳомиладорликнинг нохуш оқибатини кўрсатади, деб ҳисоблайди. Бизнинг маълумотларимизга кўра, 22-27 ҳафталик даврда VEGF < 60 пг/мл даражаси декомпенсацияланган йўлдош етишмаслигининг юқори хавфини кўрсатиши мумкин ва ХЎКС маркери ҳисобланади.

